



Gazeta
1991-yil
21-martdan
chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 18-iyul, seshanba № 84 (3277)

Ishonch

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

XXVII Жаҳон универсиадаси

Оғир атлетика бўйича ўтказилган беллашувларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган ҳамюртимиз **Руслан Нуриддинов** шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Русландан рекорд



Эркалар ўртасидаги вазни 105 кг.гача бўлган оғирликдаги спортчилар баҳсида тажрибали спортчимиз штангадан даст кўтаришда 190 кг., силтаб кўтаришда 222 кг., иккикураш бўйича 412 кг. натижа билан олтин медални қўлга киритди ва Жаҳон универсиадаси рекордини янгилади.

Биз Универсиадага асосий эътиборни қаратгандик. Йил бошидан оқиб ушбу мусобақада голиб чиқишни кўзлагандик, — деди Руслан Нуриддинов. — Шу йилнинг октябр ойида Варшавада жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Жаҳон чемпионати — жорий йилдаги ягона йirik мусобақа. Унда ҳам яхши натижа кўрсатиб, голиб чиқишни режалаштирияман.

Самбочимиз Суҳроб Остонаев (-90 кг.) эса жамоамиз газнасига Универсиаданинг бронза медалини қўшиб қўйди. Суҳроб ярим финалгача Андрей Хордиенко (Украина, 4:0), Борис Кибрик (Исроил, 4:0)ни енгиб, ярим финалда тожикистонлик Камроншоҳ Устапирёвгагина учрашувни бой берди.

Учинчи ўрин учун баҳса Остонаевга французлик Валентин Журдан рақиблик қилди. Полвонимиз 3:0 ҳисобида галаба қозонди.

Мазкур бронза Ўзбекистон делегациясининг Универсиададаги 9-бронза медали бўлди. Бунгача вакилларимиз 2 та олтин ва 7 та кумуш медални ҳам қўлга киритишгани таҳсинга лойиқ.

Ҳамюртларимиз ҳозирча медаллар сони бўйича 10-ўринда бормоқда.

Алҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Бекобод — мамлакатимизнинг улкан салоҳиятга эга саноат марказларидан бири. Айниқса, мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, саноат корхоналари модернизация қилиниб, техник ва технологик жиҳатдан янгиланаётгани натижасида ҳудуднинг бу борадаги имкониятлари кенгайиб, иқтисодий тебора раванк топиб бормоқда.

Бугунги кунда ушбу шаҳарда 4 та йirik саноат тузилмаси ҳамда юздан зиёд ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритаётгани, уларнинг йиллик маҳсулот тайёрлаш қуввати бир триллион 34 миллиард сўмликдан зиёд эканлиги, бунинг қарийб бешдан бир қисми эса қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳиссасига тўғри келаётгани эътиборга лойиқ. Таъкидлаш жоизки, мазкур йўналишда «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси тасарруфидagi «Бекободцемент» очiq акциядорлик жамияти жамоасининг муносиб улуши бор.

Яқиндан бошлаб эса корхонада қуруқ усулда клинкер ишлаб чиқаришга киришилгани мамлакатимиз қурилиш материаллари саноати ривожига, шубҳасиз, муҳим воқеа бўлди.

— Янги заводимиз йилга 750 минг тонна клинкер ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, у шу мuddатда жами цемент тайёрлаш ҳажми 2 миллион тоннагача кўпайтириш имконини беради, — дейди «Бекободцемент» ОАЖ бош



Экологик хавфсиз электр энергияси ва хомашё ҳам тежаллади

муҳандиси Эркин Курбонов. — Бу — мамлакатимиз бўйича бундай маҳсулот салмоғи 15 фоида ошади, дегани. Хитойнинг «China CAMC engineering Co. LTD» компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилган мазкур лойиҳа экологик жиҳатдан хавфсизлиги билан янада аҳамиятлидир.

Бундан ташқари, мутахассисларнинг айтишича, қуруқ усулда клинкер тайёрлаш технологияси электр энергияси ҳамда хомашё манбаларини юқори даражада тежаш имконини беради.

Мисол учун, эски линиянинг учта айланма печиди соатига 85-90 тоннагача клинкер тайёрланган бўлса, янги линияда шу вақт мобайнида битта печнинг ўзидан 110 тоннагача яримтайёр маҳсулот олиш мумкин. Қолаверса, ишлаб чиқариш жараёнидаги барча босқичлар компютерлаштирилган тизим орқали мувофиқлаштириб борилиши билан бирга, клинкерни қуйдириш технологияси табиий газда ҳам, кўмирда ҳам ишлашга муважжалланган.

Икром ХАСАНОВ
олган сурат

Ёз — ўтмоқда соз!

Узун туманида жойлашган Холмухаммад Қўлиёзов номидаги болалар оромгоҳида бойсунлик 95 нафар ўғил-қиз дам олмоқда. Оромгоҳда Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси Бойсун туман кенгаши ташаббуси билан маданий-маърифий учрашув ташкил этилди.

Мазмунли ҳордиқ

Тадбирга тумандаги «Қуралдай» болалар фольклор-этнографик дастаси аъзолари ташриф буюришди. Ҳақиқий байрам шousига айланган кўнгилчор дастур дам олувчи ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

Ф. ХАМДАМОВ,
Бойсун туман касабаси уюшмалари мувофиқлаштирувчи кенгаши раиси

Болалар кувончи бир олам

Кўшкўпир туманидаги «Хумо» оромгоҳи болаларнинг шўх-шодон кулгусига тўлган. — Оромгоҳимизда турли тўғарақлар фаолият олиб бормоқда. Спорт майдончалари мавжуд. Инглиз тилидан сабоқ берилмоқда. Турли дам олиш уйинлари, мусобақалар ўтказилмоқда, — дейди оромгоҳ бошлиғи Санжар Назаров.

Болажонлар билан суҳбатда бунинг исботини кўрдик. — Инглиз тилининг ўргатилиши менга жуда

ёқди. Чунки, ўзга тилларни қанчалик мукамал ўргансан, келажакда биз учун катта имкониятлар эшиги очилади, — дейди Жамшид Амангелдиев.

— Рақсни жуда ёқтираман. Қўшиқ куйлаш эса жуда мароқли. Биринчи бор келатган бўлсамда, янги дўстларим билан тез тил топишиб кетдик, — дея суҳбатга қўшилди Шохсанам Пулатова. — Кўнгилчор тадбирлар, турли ўйинлар бизни асло зериктирмайди.

Рухия ИСМОИЛОВА

Умумтаълим мактаблари қошида кундузги оромгоҳларнинг ташкил этилиши ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказишларига хизмат қилмоқда.

Маҳалла аҳли миннатдор

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 181-мактаб қошида очилган «Кўёшча» оромгоҳи ана шулардан бири.

Мазкур оромгоҳга «Кўтарма» маҳалласида истиқомат қилувчи кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оналар ўғил-қизлари жалб

қилинган. Бу ерда болаларнинг мароқли дам олиши, спорт билан шуғулланиши учун барча шароит мавжуд. «Ёш мусаввирлар», «Эртаклар — яхшиликка етаклар», «Рақс» каби бир қатор тўғарақлар фаол ишлаб турибди.

Оромгоҳда дам олаётган

ўқувчилар учун пойтахтимизнинг тарихий масканлари, истиқлол йилларида бунёд этилган муаззам майдонлар, музейлар, маданият ва санъат қошоналарига саёхатлар уюштирилиб, шунингдек, фестиваллар, ижодий кўрик-танловлар, викториналар, санъаткорлар, ёзувчи ва шоирлар, спорт усталари иштирокида давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Ш. НОРЧАЕВА,
Чилонзор туманидаги 181-мактаб ўқитувчиси

Театр жамоаси оромгоҳларда бу ҳали ҳаммаси эмас

Сурхондарё вилояти кўнгирчок театри жамоаси Денов туманидаги «Чашма Тошпўлатбой», Олтинсой туманидаги «Мироб», «Вахшвор» каби оромгоҳларда дам олаётган болажонлар ҳузурда бўлишди. «Шум бола Африка ўлкасида», «Момо ва наби-

ра», «Маша ва Панда», «Кўнгирчокларнинг сеҳрли олами» каби мусиқали кўнгирчок томошалари уларга манзур бўлди.

— Оромгоҳларда Ангор туманидаги «Саидносиҳон» фермер хўжалиғи бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Се-

нати аъзоси Исохон Бахромов ва Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Сарвиноз Шайдуллаева билан учрашувлар ҳам бўлиб ўтди, — дейди вилоят касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмасининг маданий-маърифий ишлар бўлими муdiri Уктам Утаганов. — Айни пайтда ҳар бир туман маданият ва спорт бўлими ижодий гуруҳлари оромгоҳларда концерт дастурлари намойиш этишмоқда.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Ёшлар ва жамият

Тошкентда «Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилари экспорт салоҳияти: талабаларнинг ёзги амалий машғулотларини мамлакатимиз корхоналарида ўтказишни ташкил этиш» мавзuida давра суҳбати ташкил этилди.

Талабаларнинг амалий машғулоти

«Professional Ravnaq» МЧЖ ҳамда USAIDнинг минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастури билан биргаликда уюштирилган мазкур давра суҳбатида олий таълим ўқув юртлири талабалари, профессор-ўқитувчилари, шунингдек, талабаларни амалиёт ишига қабул қилувчи давлат тузилмалари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда талабаларни ёзги амалий машғулотлар даврида маҳаллий корхоналарга жалб этиш, хусусан, талабалар ва улар бoриб амалиёт ўтайдиган ишлаб чиқариш компанияларини танлаш, лойиҳа истиқболлари ва ундан қутилаётган натижалар, талабалар ёзги амалиётига тегишли ташкилий масалаларни ҳал этиш мавзулари ҳақида батафсил фикр юритилди.

Таъкидлаш лозимки, USAIDнинг минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастури (REC) лойиҳаларида Тошкент давлат иқтисодий университети, Тошкент Халқаро Вестминстер университети, Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодий университетининг Тошкент филиали, Тошкентдаги Турин политехника университетининг талабалари иштирок этмоқдалар.

Талабалар 8 та йўналиш, жумладан, маркетинг, банк иши, молия ва кредит, ахборот технологиялари ва статистика, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, халқаро туризм, тижорат иши бўйича таълим олмоқдалар.

Мазкур лойиҳа энг аввало мамлакатимиз саноат ишлаб чиқарувчилари экспорт салоҳиятини мустақамлашга қаратилган бўлиб, тўпланган амалий тажрибалар орқали талабалар аниқ бизнес-лоийҳаларда қатнашиш имконига эга бўлишади.

Қўшимча қилиб айтиш мумкинки, ўтказилган давра суҳбати давомида талаба ёшлар йirik компания ва ишлаб чиқариш корхоналари вакилларидан ёзги амалиёт ўташ ва истиқболда бу корхоналарга ишга жойлашишга оид ўзларини қизиқтирган саволларга муфассал жавоб олишди.

«Туркистон-пресс»

ТОШКЕНТ

«Яносан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида сараланган етмиш нафарга яқин санъаткор ўз маҳоратини намойиш этди.

ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ

Вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг вилоят бўлими ҳамкорлигида ўтказилган танловда иштирокчиларнинг ижро маҳорати, сахна маданияти, матн ва мусиқа уйғунлиги белгиланган мезонлар асосида баҳоланди.

Танловда «Шош наволари» ашула ва рақс ансамбли хонандаси Фахриддин Турсунов ҳамда олмалиқлик Феруза Абдуллаева биринчи ўринни қўлга киритиб, танловнинг Республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Шу кунги мақом жамоалари ва катта ашула ижрочилари танловнинг Тошкент вилояти босқичи ҳам бўлиб ўтди. Олти жамоа ва 41 яққохон ижрочи қатнашган бу танловда мақомчилар ўртасида Бўканинг «Дугоҳ» жамоаси, катта ашула ижрочилиги йўналишида олмалиқлик яққохон хонанда Искандар Хўжаев голиб чиқди.

СУРХОНДАРЁ

Термиз шаҳрида Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллик байрами тантаналарини кўтаринки руҳда ва тинч-осойишта ўтказиш билан боғлиқ масалаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

БАЙРАМГА ТАДРИК

Унда вилоят таълим, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, маданият ва спорт ходимлари, санъаткорлар, ёзувчи ва шоирлар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Бир пайтлар аграр воҳа бўлган Сурхондарё вилояти истиқлол шарофати билан саноати ривожланган ҳудудга айланмоқда. Хусусан, кишлоқ хўжалиғи ва нефт маҳсулотларини қайта ишлаш, фармацевтика, қурилиш ва энгил саноат изчил ривожланмоқда.

Вилоятда байрамолди қурилиш-таъмирлаш ва обodonлаштириш ишлари уюшқоқлик билан давом этаётир. «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган ғояни ўзида муҳассам этган кўплаб маданий-маънавий тадбирлар ташкил этилмоқда.

ЎЗА

НАВОИЙ

Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан «Саломатлик автобуси» лойиҳаси ташкил этилди. Жорий йилнинг 15-30 июл кунлари кўчма шифохоналарда чекка ҳудудларда яшовчи хотин-қизлар ва ёшлар бепул тиббий кўриқдан ўтказилади.

САЛОМАТЛИК АВТОБУСИ

Лойиҳада Учқудук, Томди, Қонимех, Нурота ва Хатирчи туманлари аҳолиси терапевт, акушер-гинеколог, педиатр, эндокринолог, лор, окулист, онколог, невропатолог, кардиолог, ЭКТ, УТТ, тери-таносил касалликлари шифокорлари қабулида бўлишади.

М.АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

2013 йил – Обод турмуш йили

«НАВБАҲОР» стадионида қурилиш ишлари қизғин



Мамлакатимизда футболни ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга қаратилган алоҳида эътибор спортнинг ушбу тури бўйича халқаро эътирофга молик муваффақиятлар гарови бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 19 январда қабул қилинган «2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида Наманган вилоятида ҳам муайян ишлар амалга ошириляптир. Хусусан, Наманган шаҳридаги «Навбахор» стадионида бунёдкорлик ва реконструкция ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Стадион мажмуасида аввалгисидан фарқли равишда спортчилар, ҳакамлар ва мураббийлар учун алоҳида хоналар, анжуманлар зали барпо этилмоқда. Йигирма икки минг томошабинга мўлжалланган ўриндиқлар замонавий муҳандислик талабларига қўра пастки ва юқори қаватларга бўлинган, трибунада ногиронлар учун ҳам алоҳида сектор мавжуд. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимларига ҳам қулай шароитлар яратилмоқда.

Битта видеотабло, замонавий аудиосистема мосламалари ва бошқа ахборот-коммуникация

технологиялари билан жиҳозланган шарҳловчилар хонаси ўйин лойиҳада муҳим ролини ўйнаётганлиги тўғрисида хабардор этиш, мусобақаларни тўғридан-тўғри эфирга узатиш ҳамда теле ва радиотрансляция сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Йирик қурилиш майдонига айланган мазкур объектни Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

Айни пайтда вилоятда давлатимиз раҳбарининг қарори асосида махсус дастур қабул қилиниб, мавжуд стадионлар, футбол клублари қошидаги мактабларнинг спорт иншоотларини таъмирлаш, янгиларини қуриш, замон талаблари даражасида жиҳозлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мазкур дастурга мувофиқ,

«Навбахор» ПФК қошидаги болалар ва ўсмирлар футбол мактаби спорт иншоотлари, Косонсой туманидаги «Косонсой», Чуст туманидаги «Пахтакор» стадионлари ва шу клублар қошидаги 22-, 8-болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари иншоотларини реконструкция қилиш режалаштирилмоқда.

Наманган, Мингбулок, Норин, Учқўрғон, Уйчи, Чортоқ, Янгиқўрғон, Поп туманларидаги стадионларда ҳам шу каби ишлар амалга оширилиб, инфратузилмаси яхшиланади ва жиҳозланади.

Акрамжон САТТОРОВ,
ЎЗА муҳбири.

Суратда: (чапдан) Улуғбек Садиқов, Абдурашид Исмоилов ва Азиз Акбаров. Хотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат

Етакчилар ҳақида ҳикоялар

...Зиммасидаги вазифани сидқидилдан бажариши, доимо жамоа, ходимлар манфаатини ўзиникидан устун қўйиши, очикқўнгил инсон бўлгани учун Рустам Узоқовга ишонч билдиришди.

Ўзгалар ташвиши уники

Кардиолог врач елкасидаги масъулият икки бараварга ортди. У энди ходимларнинг муаммосини ҳам ечиши зарур. Жамоа катта. Уч ярим мингдан ортиқ ходимнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш осон эмас. Шу боис ишни йиллик режа тузишдан бошлади. Юқори ташиқлотлар қарор ва тавсияларини чуқур ўрганди. Ҳар бир ходимнинг муносабатига алоҳида эътибор қаратиб, маъмурият билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйди. Бу эса нафақат туман тиббиёт бирлашмаси, балки мавжуд саккизта даволаш-профилактика муассасаларида, яъни цех кўмиталарида ҳам касба уюшма фаолиятига алоҳида ҳурмат ва ишонч уйғотди.

Мана бугун ҳам у ишга эрта келиб, беморлар кўригини ўтказгач, навбатдаги тадбир режада белгиланган «Маънавият соатлари» туркумидан «Оммавий маданият» мавзусида давра суҳбатини ўтказиш учун кўмита аъзолари билан маслаҳатлашиб олди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, бирлашма шифокори Фулом Норқобиллов киришга изн сўради. — Бироз чарчабман. Шунга Тошкент вилоятидаги «Ботаника» сихатгоҳига йўлланма берсангиз, деб олдингизга киргандим...

— Майли, ариза ёзинг. Бир хордик чиқариб келинг...

Шундан кейин у яна икки кишининг муносабатини тинглаб, илтимосларини қаноатлантирди. — Илк бор 2002 йилда касабакўмликка сайлашганим, — дейди Рустам ака. — Орта қолган йиллар давомида шунга амин бўлдимки, қаерда муассаса раҳбари ходимлар муносабатига самимий эътибор билан ёндаша, уша жойда касба уюшма кўмитасининг фаолияти ҳам мазмунли кечади. Туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Ботир Жўраев жуда яхши инсон. Доимо бамаънафат иш қўради.

Етакчи ташаббуси билан ўтган йили 300 нафарга яқин соғлиқни сақлаш ходими Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёхатга олиб чиқилганди. Бу йил ҳам ушбу анъана давом эттирилди.

ди. 150 нафар саломатлик посбонларининг тарихий шаҳарларга саёхати уюштирилди.

Эзги соғломлаштириш мавсумида ходимларнинг 80 нафар фарзандини дам олдириш режалаштирилган эди. 94 нафар ўғил-қиз йўлдош Охунбобоев номидаги оромгоҳда таътилни мароқли ўтказишди. Йўлланмалар касба уюшма кўмитаси ва маъмурият томонидан қопланди. Май ойида бешта спорт тури бўйича туман спартакиадаси ўтказилиб, голиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди. «Энг обод муассаса», «Энг ораста бўлим», даволаш профилактика муассасалари ўртасида «Йилнинг энг яхши маънавият тарғибчиси» кўрик-танловлари ташкил этилди.

Ижтимоий ҳимоя тадбирлари доирасида кам таъминланган ходимларга 3,5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Август ойида 100 нафар ходимлар фарзандларига 7 млн. сўмлик ўқув қуроллари тарқатиш режалаштирилган.

— Доимо шоғирдларимга, жамоадолларимга маънавиятини оиладан, фарзандлар тарбиясидан, жамоадан бошлаш лозимлигини ўқитиш, — дейди касабакўм раиси.

Р. Узоқов ҳақида унинг ҳамкасби, туман тиббиёт бирлашмаси иш юритувчиси Ибодулла Жуманов шундай дейди:

— Рустам ака намунали оила бошлиғи, жамоа жонқуяри. У киши касба уюшма кўмитасига раис бўлгач, олдингидек шикоят ва аризалар кескин камайди. Бори ҳам шу ернинг ўзида ечимини топоқда.

Дарвоқе, яқинда ўтказилган кўрик-танлов якунларига қўра, 32 та даволаш-профилактика муассасасининг 3500 нафардан зиёд ходими ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этаётган Яқабоб туман тиббиёт бирлашмаси касба уюшма кўмитаси вилоят миқёсида тармоқ ташкилотлари орасида «Энг намунали бошланғич ташкилот», дея эътироф этилди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» муҳбири

Кўрик-танлов

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада яхшилаш, аъзолик афзалликларини асослашни кучайтириш борасида амалга ошириляётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Бунинг жойларда бўлиб ўтаётган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг нуфузи тобора ошиб бораётганидан ҳам англасса бўлади.

Асос — жамоа шартномаси

Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси тизимида уюштирилган танловнинг вилоят босқичида 14 та бошланғич ташкилот фаолияти чуқур таҳлил қилинди. Жамоа шартномаси ва унинг ижросини таъминлаш, ҳужжатларнинг номенклатура асосида юритиляётгани, маданий-маърифий, спорт тадбирлари, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Танлов муносабати билан бошланғич ташкилотлар фаолияти яна бир бор сарҳисоб қилиниб, ўзаро таъриба алмашилди.

Танлов натижасига қўра, Қумқўрғон туман тиббиёт бирлашмаси касба уюшма ташкилоти биринчи ўринга муносиб топилди. Денов ҳамда Узун туманларининг тиббиёт бирлашмалари касба уюшма ташкилотларига кейинги ўринлар насиб этди.

Қумқўрғон туман тиббиёт бирлашмаси касба уюшма кўмитаси 2500 нафарга яқин аъзони бирлаштирган. Кўмита ҳар бир ишчи ва ходимнинг ижтимоий муҳофазасини амалдаги жамоа шартномаси асосида кучайтирмоқда. Соғлиқни сақлаш муассасалари ўзгача кўриниш касб этаётди. Жумладан, тиббиёт бирлашмаси маъмурий биноси қайта реконструкция қилиниб, 200 ўринли шифохона, диагностика маркази, юқумли касалликлар шифохонаси янгидан қурилди. Бундан ташқари, замонавий қиёфадаги барча кишлоқ врачлик пунктлари зарур тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозланган. Айни пайтда туман марказидаги катталар поликлиникасида қайта таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Муассар ҚОДИРОВА,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши Сурхондарё вилояти масъул ташкилотчиси

Касбада уюшма ҳаёти

Муҳими, шароит бор

«Сарруна текстил» кўшма корхонаси 2004 йил 7 декабрда фаолиятини бошлаган. Бу ерда пахта толасини қайта ишлаш орқали калава ип тайёрланиб, ундан мато тўқилади. Корхонада 450 та иш ўрни яратилган. Ходимларнинг 90 фоизи хотин-қизлардир. Энг замонавий ип йиғириш, тикув дастгоҳлари тўлиқ компютерлаштирилган.

Бу ерда кунига 6,8 тоннагача пахта толаси қайта ишланади. Иш уч сменада ташкил этилган. Оддий кишлоқ қизлари энг замонавий дастгоҳларни моҳирлик билан бошқаришмоқда. Шоира Сайитқуллова, Гулнора Бойзақова, Муҳаббат Жўраева, Равшан Назарбеков, Олег Камиев ва Меҳринисо Ҳайтова каби ишчилар корхона фахрига айланган.

Ишловчилар ижтимоий ҳимояси алоҳида эътиборда. Уларга уч маҳал иссиқ овқат бериледи. Тиббий, маиший хизмат шохобчалари мавжуд.

Маъмурият ва касба уюшма кўмитаси ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини кенг кўламда амалга оширганлиги учун корхона атрофи яшил зонани эслатади. Ҳар бир цех ва бўлимга майдончалар ажратилган бўлиб, натижада 4 минг тулдан ортиқ мевали ва манзарали дархат кўчатлари ўтказилиб, парвар

риш қилинмоқда. Корхона богачи ва гулчаси Неймат Алимов «Ўз касбининг моҳир устаси» танловида иштирок этиб, фахрли ўрин соҳибига ҳам бўлди. Бу куюнчақликнинг яна бир сабаби бор. Жамоада ўзини ўзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида аҳамият бериледи. Ташландиқ бўлиб ётган 1 гектардан ортиқ ер ҳашар йўли билан обод қилиниб, 15 турдан ортиқ сабзавот ва полиз экинлари экилди. Иссиқ зона қуриш ҳам мўлжалланган. Шунингдек, иккита кичик ҳовузда балиқ парваришланмоқда.

Маданият ва спорт тадбирлари юқори савияда ташкил этиляптир. Ойда бир марта «Маънавият соати» ўтказилиб, унга адабиёт ва санъат намоёндалари, тиббиёт мутахассислари, ички ишлар ходимлари тақлиф қилинмоқда. «Сарвиноз» фольклор ҳаваскорлар гуруҳи ташкил этилган.

Шахмат, шашка, стол теннис мусобақалари доимий ўтказиб борилади. Ходимларнинг пойтахтимиздаги музей ва театрлар, қадимий шаҳарларга саёхатлари уюштириляпти.

Меҳнат муҳофазасини ташкил этиш, хавфсиз иш шароити яратиш бўйича мунтазам иш олиб борилади. Цех ва бўлимларда техника хавфсизлиги бурчаклари бор.

Корхона маҳсулотлари қисқа вақтда хорижда харидорини топти. Халқаро кўргазма ва танловларда фаол иштирок этиб, турли даражадаги голиблик сертификати ҳамда эсдалик нишонларига сазовор бўлиб келмоқда. Маъмурият ва касба уюшма кўмитаси корхона фаолиятини янада кенгайтириш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида бўяш цехи ташкил этиш бўйича лойиҳа ишларини тугатишди ва яқин келажакда 200 ўринга эга цех нёд этилади. Шунингдек, Гулистон шаҳридаги коллежларнинг 50 нафардан зиёд ўқувчиси бу ерда амалиёт ўтаб, имкон даражасида ишга қабул қилинмоқда. Корхона болалар уйи тарбияланувчилари, шунингдек, ёлғиз кекса ва ногиронларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатапти.

Иргашкул БҮРИЕВ,
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг Сирдарё вилоятидаги масъул ташкилотчиси



Энг намунали бошланғич ташкилот

Манфаатлар устуворлиги

Давлат тижорат «Халқ банки» Бухоро вилоят филиалида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маъмурият ва касба уюшма ташкилоти томонидан 2012-2014 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси ижроси таъминланаяпти. Мисол учун, ўтган йил якуни бўйича ходимларга қўшимча ва устама тўловларга 40 млн. 44 минг, рағбатлантириш тарзида 8 млн. 493 минг, кўп йиллик хизматлари учун фойзлик устамаларга 8 млн. 926 минг, моддий ёрдам ва йиллик қўшимча тўловларга 59 млн. 993 минг, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича харажатлар учун 3 млн. 291 минг сўм сарфланди. Жамоа шартномасида кўрсатилган имтиёз ва кафолатлар учун маъмурият томонидан ҳар

бир ходимга сарфланган маблағ 1 млн. 216 минг сўмни ташкил этди.

Меҳнатни муҳофазалаш ва ходимларга шарт-шароит яратиш мақсадида барча лавозимлар учун функционал вазифалар ишлаб чиқилган. Жорий йилга мўлжалланган меҳнат муҳофазаси битими қабул қилинган бўлиб, унга асосан йил давомида маъмурият томонидан 32,5 млн. сўм сарфлаш кўзда тутилган.

Жамоада жисмоний тарбия ва спорт-

га қизиқишни кучайтиришда касба уюшма кўмитаси раиси Д.Ҳамдамованинг ҳиссаси катта. Ходимларга маъмурият маблағи ҳисобидан спорт инвентарлари, спорт формалари олиб берилди. Спорт турлари бўйича жамоалар тузилган бўлиб, банклар, вилоят тармоқ ходимлари ўртасида ўтказилган аёллар спартакиадаси, «Алломиш ва Барчано», мини-футбол ва «Соғлом оила — жамият таянчи» мусобақаларида фахрли ўринлар қўлга киритиляпти.

Коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлашга кўмаклашиб, амалиётчилар тажрибали ходимларга бириктирилди. Кам таъминланган оилалар фарзандларига касба уюшма маблағи ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Эътиборлики, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши тизими бўйича «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловида «Халқ банки» вилоят филиали касба уюшма ташкилоти голиб деб топилди.

Б.САИДОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши раиси

Бандлик дастури — амалда!

Мамлакатимизда хотин-қизларга жаҳон давлатларининг ҳеч бирида кузатилмаган эҳтиром ва ҳурмат кўрсатилмоқда. Аёл зотини улуғлаш мақсадида унинг номига йиллар аталди, мукофотлар жорий этилди. Она ҳайкаллари Эзулик рамзи сифатида Ватанимиз юраги бўлиши бош майдонимизда қад ростлади.

— Вилоятимизда истикомат қилаётган 1,7 млн. аҳолининг 857 мингдан ортиги, яъни 51,5 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг 61,8 фоизи қишлоқларда истикомат қилади.

Аёл ўз оиласининг офтобидир

ўрни яратилиб, шундан 90,7 фоизи, яъни 66,1 мингтаси қишлоқ жойларига тўғри келган. Яратилган иш ўринларининг 30,6 мингтаси (41,4 фоизи) аёллар учун ташкил этилганлиги айни мuddаодир.

вожлантириш ҳисобига 936 та, фермер ва деҳқон хўжалиқлари йўналишида 1550 та, ишлаб чиқариш, ижтимоий бозор инфратузилмаси ва ишлаган сандан турган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига 377 та иш ўринлари яратилди.

қўлигул хунармандлар мисолида айтиш жоизки, аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришда оилавий бизнес катта рол ўйнайди. Зеро, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан аёллар учун 5234 та ишчи ўрни яратилди.

лари бўйича аёллар учун 6,6 мингта иш ўринлари яратилди. Бандликка қўмаклашиш марказларига мурожаат қилган 21,1 минг хотин-қизнинг 19,5 минг нафари ишга жойлаштирилган бўлса, 1652 нафари қайта касбга ўқитилган, 2002 нафари эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилган.

биркор аёл» уюшмаси, Савдо-саноат палатаси, банк ҳамда ҳокимликлар иштирокида «Ёш истеъдодли хунармандлар», «Қақ отқузғон» «Хунармандчилик — ҳалқимизнинг олтин мероси», «Болаларни мутахассисликка ўқитиш» мавзуларида ўтказилган тадбирлар ҳам ўз самарасини бераётди.

да 1204 нафар аёлимиз 21 млрд. 683 млн. сўм имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлишди. Шиддат билан ривожланиб бораётган давр ҳар биримиздан аёлнинг кўзига қараб кўнглидагини ўқадиган даражада зийрак ва эътиборли бўлишни талаб этади.

Ishonch мухбири Амина ҚОДИРОВА ёзиб олди

Молия муассасаларида



Банк сармоялари халқ фаровонлиги учун

Бугунги кунда «Агробанк» очик акциядорлик тижорат банки Хоразм вилоят бошқармаси ўзининг 12 та филиали, 41 та мини банки орқали ҳудуд аҳолисига тезкор ва сифатли банк хизмати кўрсатиб келмоқда.

Банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 апрелдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

га кредит берадиган бўлди. Хозирги кунда 36 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди. Натijaда, корхонамизда ишлаб чиқариш салмоғи ошиб, қўшимча 10 киши ишли бўлди.



Нуронийлар — хонадон кўрки



Узун туманидаги Телпақчорон қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Истиклол» маҳалласида тадбиркор Шавкат Турсунов хонадонидида ташкил қилинган тадбир эсимда. Хонадон соҳибаси шифокор Мукаррам Бозорова ҳовлида ўрнатилган икки қозон атрофида парвона. Оила соҳибаси эса дарвоқда олдида туриб қарияларни қарши оларди.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибидида ўтказилган очик аукцион савдосига таклиф этади!


Савдога «O'ZQURILISHMATERIALSAVDO» ишлаб чиқариш-тижорат компанияси МЧЖнинг 11.07.2013 йилдаги 68-сонли бюртма хатига асосан жамиятга тегишли, Тошкент шаҳар Яқкасарой тумани, Мирзиёлов кўчаси, 68-А уйда сақланаётган «ГАЗ-3102» русумли, д/р 01/380ССА бўлган, 2000 йилда и/ч техник носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Ўқув-семинар

Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Чортоқ туман кенгашида ЎзҚУФКнинг «Туман кенгашлари, бошлангич ташкилотларнинг Устав бўйича фаолиятлари намунали тарзда олиб борилишини ташкил этиш тўғрисида»ги Раёсат қарорини ҳаётга татбиқ этишни яхшилаш мақсадида кўргазмали ўқув-семинар ўтказилди.

Ташаббускорлик доимий шиоримиз бўлсин

Тадбирда 81 нафар бошлангич ташкилот етакчиси иштирок этди. Унда тармоқ касабаси Марказий кенгашининг ҳудуд бўйича масъул ташкилотчиси Лутфулла Ганиев, вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим мудири Тўхтаназар Назаров иштирокчиларнинг саволларига атоқлича жавоб беришди.



Реклама ва эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошлангич баҳоси охири бориш тартибидида ўтказилган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

2013 йил 16 август кун соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 15.05.2013 йилдаги 10-1306/5813-сонли Хал қилув қарорига асосан банкрот деб топилиган «RISE LAND MOTORS» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси тугатиш бошқарувчисининг 12.07.2013 йилдаги 15-сонли бюртмасига асосан жамият ҳисобидидаги ҳар бирининг бошлангич баҳоси 2 752 000 сўм бўлган 2 дона ЕВ 687.22 русумли электр поғрузчиги алоҳида ЛОТ тартибидида қўйилмоқда.

Ёшлар овози

Она борки — олам бор. Она борки — ҳаёт, ватан бор. Она-Ватанинг гўзал табии-атидан завқлана билмаган, уни гўзал қилиш учун курашмаган кишидан ватан-парвар чиқмайди.

Она-Ватаним — фахрим!



Хар қим яшаб турган ватани, оиласи, ўқиган билим ўчоғи билан ҳамisha фахрланиб яшамоғи лозим. Зеро, ўзимиздаги барча фазилатлар учун, аввало, Она-Ватан тараққиётига ҳисса қўшган олижаноб инсонлардан қарздормиз. Бу ҳақиқатни унутишга асло ҳаққимиз йўқ. Биз бундай қарзни қандай узамиз? Қачонки, Ўзбекистон деган жаннатмакон юрт тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшиб, унинг рағбат топши, келажagini баркамоллаштириб, Ватанимизни чин дилдан севибгина бунга эришамиз.

Шундай экан, бир-биримиздан меҳр-муҳаббатимизни аямаслигимиз, улғ аждодларимиз каби юксак марраларни забт этишимиз даркор. Ватанимизнинг бағри жаннат боғларидек фазли, кўрам бўлиб, гуллаб-яшнаши учун барча-барча, шу жумладан, биз ёшлар ҳам бирдек масъулмиз.

Дилдора МИРЗАМАНОВА, «Чимён санаторийси» кутубхонаси мудариси

Шукрона

Соҳибкор Мамажон Ориповнинг дала боғи этаги шовуллаб оқбагдан Пиллосойга туташ. Салқин, хушманзара гўша. Синфдошлар ҳар ойнинг сўнги яқшанбасида шу жойда тўпланади. Боғ эгасининг ўзи шундай тақлиф киритган. Бугун навбатдаги учрашув. Даврада Аминжон Зиёвуддинов зўр ҳаяжон билан гапиряпти:

— Бундай омон замон сира бўлмаган. Ота-боболаримиз оруз қилган, фақат тушларида кўрган ёруғ кунлар бизга насиб этганига ҳар қанча шукр қилсак арзийди...

— Аслида, ҳар бирининг қалби ана шундай қаноат, шукроналик ҳисси билан лиммо-лим... Улар бундан 53 йил муқаддам Варзик қишлоғининг кўрки бўлган машҳур кекса чинор ёнидаги Темуր Малик номидаги мактабни тамомлаб, мустақил ҳаёт оқимида шўнғишган. Бу синф ўқувчилари мактабдошлар орасида ахиллиги, билимдонлиги, ҳоҳатбарорлиги билан ажралаб турганига гувоҳлар кўп. Не бахти, синфдошлар йиллар ўтса-да, ахиллигини сақлаб келишмоқда.

Ийғилиш ҳам шунчаки «гап»мас. Хайитма Абдурахимов ташаббуси билан бошланган дастлабки ўтиришларда улар рўзгорларидagi айрим муаммоларни маслахатлашиб, баҳамжихат ҳал қила

робов, Раҳмонжон Рустамов, Холиёр Жўраев, Самижон Аҳмедовнинг моҳир курувчи эканлиги жуда кўл келди. — Бекор ётса, темир ҳам занглайди, — деб қолди бир сафар Чуст туманидаги Пиллосой маҳалла фуқаролар йиғини маслахатчиси Тўхтаназар Рустамов. — Ўз қобилигимизга ўралиб қолмайлик. Ёшларни ишга солайлик. Ёрдамга мўҳтож ногиронлар, ёлғиз қариялар бор. Уларниқанда ҳашар уюштириб, кўчаларимизни ободонлаштиришга бош-қош бўлсак, савобга қолардик.

Тақлиф маъқулланиб, маҳаллаларда ободончилик ва бошқа хайрли ишлар авж олдирилди, бу аънамага айланди. Аҳди улғунинг — бахти улғу, дейдилар. Синфдошлар ана шу тоифадаги азми қатъий, бирсузлай инсонлар. Қишлоқ чеккасида сувсизликдан қаровсиз ҳолга келиб қолган тошлоқ ҳудуд тақдирни кўлдан буён Кўрбонбой Кабировни ташвишга солиб келарди. Туман ҳокими, Олий Мажлис Сенати

фарзандлари билан экилган қўчатларни томчилатиб сугориб, тутқаторлар ҳосил қилишди. Келгуси йил бошидан бу тажрибани сув танқис бўлган ҳудудда бодомзор яратишда қўллашмоқчи. Зокиржон Умаршохов кирқ йилдан кўпроқ давр мобайнида раҳбарлар тавсиясига кўра кези келганда ҳайдовчилик қилди, кези келганда механиклик ва бошқа ишларда ишлади. Яқинлари, ҳамқишлоқлари, айниқса, эллик нафардан зиёд шоғирди уни бошларига кўтаришди. Қисқаса, оёғини узатиб ётса бўларди. Лекин қишлоққа ипак кўртига барг етишмаслиги муаммоси унга тинчлик бермади. Даштликда пиллачилар учун минг тул тут ўстириб берди. Асли касби шифокор бўлган Шарофбой Гафоров савоб учун яйдок боғ барпо этди. Неча йилдирки, боғнинг тиле-рар узуми, бол мисол ўриғи, шафтоли меваларини ҳамқишлоқлари, биринчи навбатда, устозлари, кам таъминланган

Етмишбой оталар ибрати



Сирож АСЛОНОВ (ўза) олган сурат

лар билан баҳам қўриб келмоқда. Шерали Рустамов бир умр курувчилик қилди. Тумандаги мактаблар, боғчалар, шифохоналар, бошқа биноларда унинг кўл излари бор. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ўғиллари Нуриддинжон ва Шукржон ҳам оталари каби ғайратли чиқишди. Ота-болалар яқинда яна бир хайрли ишга кўл уришди. Дарвоза хариб қилиб, Тепамахалла қабристонига ўрнатиб беришди.

Математик олим, профессор Рисканбой Ибрагимов, тадбиркор Зокиржон Қаримов, Ҳокимбой Собитовнинг қишлоқда спорт-соғломлаштириш ишларини ривожлантириш, бошқа шу каби савобли фаолиятлари ҳақида илқ гаплар айтиш мумкин. Синфдошларнинг ҳар бири ҳар галгидек мустақилликнинг шонли санасига атаб алоҳида хайрли ишларни ўз зиммасига олган. Қишлоқда синфдош нурунийларни эҳтиром билан «Етмишбой оталар» деб тилга олишди. Уларнинг барчаларига Сақсонбой, Тўқсонбой, Юзбой оталар деб эъзоланиш насиб этишини тилаймиз.

Абдусаттор АҲМАДАЛИЕВ

Мактабгача таълим муассасаларида

Бола — ниҳол. Уни қайси тарафга эгсанг, шу томон бўй чўзади. Шундай масъулиятли ишни амалга оширишда оиладаги муҳит бйлар бир қаторда мактабгача таълим муассасаларининг ҳам ўрни катта. Шаҳрисабз туманидаги «Лочин» 62-мактабгача таълим муассасаси мудариси Зулфия Алимова билан суҳбатда бунга яна бир бор амин бўлдик.

Ниҳолларим кўкка бўй чўзгай!

— Бола тарбияси ҳамма нарсадан муҳим. Чунки улар ҳаётимиз давомчиларидир. Ҳар бирининг ўз олами, дунёқарashi бор. Шунга қараб муомалада бўлмасангиз, кўнглига йўл тополмайсиз. Умуман олганда, тарбиячи кучли психолог бўлиши лозим, — дейди юз-кўзида ўз касбидан мамнунлик акс этиб турган З.Алимова. — Ота-она фарзандини бизга олиб келдимки, бола бир ердан нимадир ўрганган бўлса, машғулотиришимиз турли ўйинчоқлардан фойдаланган ҳолда, ноанъанавий тарзда олиб борилади. Бу борада тажрибали тарбиячиларимизнинг маҳорати кўл келмоқда.

1985-1986 йилларда тумандаги «Оқ олтин», 1987-89 йилларда «Ором» мактабгача таълим муассасаларида энага, 1989-1999 йилларда тарбиячи, 1999-2008 йилларда эса услубчи-психолог, 2008 йилдан эътиборан эса «Лочин»да мударра бўлиб ишлаб келаяман. Узоқ йиллик тажрибадан келиб чиқиб айтганим бўлса, ишимиз осон эмас. Аммо болажонлар билан ишлаш иштиқи эна шу машаққатни энгишимга куч берди. «Лочин»да таълим-тарбия олаётган ҳар бир ўғил-қиз менга ўз фарзандимдек азиз.

Муассасада очик дарслар қизикarli тарзда ўтказилади. Мустақил диёримиз, унда болалар учун яратилган имкониётлар ҳақида кўргазмали куроллар ёрдамида жажживойларга афрофила тушуна берилиб, турли кўрик-танловлар ташкил этиб борамиз. Бу орқали ўғил-қизларнинг зукколиги, қизикчиши оширилади. Бир сўз билан айтганда, эъ авлоднинг камол топшиши учун бор имкониётимизни ишга солмоқдамиз.

Машаққат билан қилинган меҳнат ҳамisha ўз самарасини беради. Зулфия Алимова тарбиялаган болаларнинг мактабга мослашиши, фанларни пухта ўзлаштириши осон кечмоқда.

— Ҳар бир шоғирдим меннинг юртим чаманзориде қадаган бир ниҳолдир. Уларнинг бўй-басти билан бирга бугун камолдан ҳам фахрланиб яшайаман. Уларнинг эзгу ишларида мен айтган эртақлардгидек эзгуликлар яшаётгани ҳаммадан ҳам мени кўпроқ завқлантиради. Бугун ҳам бир гуруҳ паллопаримини мактаб сари йўллапман. Она-Ватаним истиқбол ийўлида меҳнат қилаётганимдан беҳад мамнунман, — дейди Зулфия опа шодлигини яширолмай.

Ўз мухбиримиз

Очиқ дараза ёнида туриб, чироқлар жиимир-жиимири аро ороланаётган шаҳарни томоша қилаётган Содиқнинг кўнгли негадир гаш, нафаси қисилиб, кўксининг чап томони жи-зиллаб турарди. У буткул бошқа манзарани кўриб турган бўлса-да, кўз ўнгиде барқ уриб очилган бир тул атиргул гавдаланарди.

«Ха — чўқур «уф» торти Содиқ, — табииат тарозисинда посани ҳақиқатан ҳам ўзгарганга ўхшайди. Баҳорнинг иккинчи ойи тугаб бораяпти-ю ҳамон атиргуллар очилмайди, хали совуқ. Юраклардаги совуқлик, лоқайлик шундан эмасмикан?»

Яна ўша алаңдадек товланган кизил атиргул нигоҳи олдиде хотиб қолди. Бу қишлоқдаги ҳовилларида, ариқ бўйида ўсган ёлғиз атиргул эди. Ҳовли тўзиб, иморатлар бузилиб кетган бўлса-да, гарибгина мунгайган атиргул ҳар баҳорда гул очар, эгаларни ку-таётгандек эди.

Содиқ ҳар гал қадрдан қишлоғига йўли тушганда вайрона ховли этагидеги атиргулни энират қилар, ундан бир-икки дона узиб олиб, узоқ вақт ҳидлаб юрар, димоғига болалик нафаси урилар, беаҳад соғинч туй-гуси юрак-бағрини ўртарди.

Бир гал эрта баҳорда Содиқ атиргулни кўчириб, шаҳардаги ҳовилсига олиб кетмоқчи бўлди. Кўлига белкур оқиб, энди ишга киришмоқчи ҳам эдикки, қари тут тағдиде деворлари қийшайиб қолган ошхона томондан бир товуш эшитилгандек бўлди.

«Ҳой инсон, ўзинг-қу қиндик қонинг томган ҳовлига шу гулчалик ҳам вафо қилолмадинг, нега энди табииатнинг бу мўъжизасига аҳво берасан? Кўй, унинг ҳар баҳорда гул очиши шу ховлида ўтганлар руҳини шод этсин!»

Содиқ сесканиб кетди. Қўлидаги белкурakin иритиб юборди, афрофга алаңлади. Ҳеч ким кўримади. Ким овоз берди экан? Танасига энди яшиллик югриб, куртк таётган атиргулга тикилганча ангарайиб қолди.

У ҳамон очик дараза ёнида тик турар, бўрондек кўзголиб келаятган хотиралар, айкша-уйқаш хаёллар, жиловсиз ҳис-туйғулар ўз комига тортиб бормоқда, кўксидеги оғриқ тобора кучаяр, бу юрак оғриғини, қалб истрибларини, билмамасди.

«Бу йил ҳам баҳор кечикди. Атиргуллар ҳамон очилгани йўқ. Ёлғиз атиргулни хали не кечди экан? Қишинг қарҳатон совуқларидан омон қолдимми? Менинг кизил гулим, ёлғиз гулим! Сен ёлғиз эсан-да, мендан бахтироқ, тўкироксан. Чунки, сени кўргим келарди, сена интиланман, қадрдон бўйингни, болалигимни эслатувчи атрингни кўмасаним ва дунёнинг нариги чеккасида бўлса-да, хузурингга ошқаман. Сеннинг бахтинг ҳам шундай!»

Менинг қизил гулим, ёлғиз гулим! Мана, мен ҳам сен сингари ёлғиз қолдим. Йўқ, мен жисман эмас, руҳан ёлғизман. Атрофимда одамлар, қон-қариндошлар жуда кўп. Лекин ҳеч ким қалбимдаги бўшлиқни тўлдиролмайди. Шу боис ҳам сен мендан бахтироқсан, тўкисроқ-

сан. Сена кимдир интилади, кўл узатади. Мен эса ҳатто қақир тикан ҳам эмасман. Ва мена интилувчи, кўл узатувчи бормикан бу ёруғ дунёда? Билмадим. Бу йил баҳор кечикди. Менинг баҳорим эса алла-қачон ўтиб кетди. Бутун кўнглим қишки боғ янглиғ бўм-бўш, ҳувиллаган.

«Сўнги учрашувимизда (йўқ, бу учрашув эмас, видеоимиз экан) ташқариде гулпиллаб қор ёғар, хонада иккимиз эдик ва кўнглимда оламлар гуллаганди. У саваларини сескин-аста сийлалаб шундай деди: — Авваллари нуқул сочларингизни силаб, йиғларим келарди. Энди эса негадир йиғлабмапман...»

У шу сўзларни айттар экан, кўзларига тикилдим. Ҳамма вақт чексиз садақат, меҳр фуриб турайдиган кўзлар бебарво, лоқайд боқар эди.

Менинг қизил гулим

Хикоя

Ташқариде қор ҳамон гулпиллаб ёғар, кўнглимдаги олма гулларини эса аллақачон совуқ урган эди. Менинг қизил гулим, ёлғиз гулим! Ҳар гал баҳорини кўнглимга сен олиб кирар эдинг, энди эса жуда кечикасан...»

Содиқ шуларни хаёлидан ўтказар экан юрагидеги оғриқ кучайди. У кўксини чангалланганча телефон гўшагини кўтариб, «03» рақамини терди. Аёл товушини эшитгач, зўр-базур исмини, манзилини айтиб, тез этиб келишни илтимос қилиб, хансирганча стулга чўкди.

Оғриқ ҳамон кўйвормас, нафаси бўғзига тикилиб, хонанинг томи, деворлари босиб тушмоқда эди гўё. Кўлогига аллақандай ваҳимали товушлар эшитиларди. У энди хонада ёлғиз қолмастлигини сезиб, ҳовлига чиқишга қарор қилди, зиналардан сескин-аста пайласланиб туша бошларди.

Тун ярмидан оққан бўлса-да, подёвзд эшиги ёнидаги ўриндиқда қишкис Хаким ака аллақайси қишқикни димоғиде мингирлаб, хиргойи қилиб ўтирарди. Содиқни ёқавайрон, сочлари паршонен бир аҳволда кўриб, қапалаги чаёт кетди.

— Иби, баҳайр, мулло Абдусодиқ, сизга нима бўлди? — Ҳеч нима, шу, юрагим сал безовта қияляпти, «Тез ёрдам» чақирдим, — деди Содиқ оғриқ зуридан инграбди. — Хаким ака етимли ёшларга яқинлашиб қолган, хуш-табиат, ҳоҳатбарор киши эди. Чақон ҳаракат билан

ўрнидан туриб, Содиқнинг елкасидан суяб ўриндиққа ўтиргизди. — Ҳай, ҳай, ҳеч нима эмиш, рангингизда ранг қолмабди-ку. Нима бало, валидол-палидолингиз йўқми? — жонсараклик билан сўради у. Содиқ бош чайкади.

— Эҳ, аксига олади-да, менки ҳам тугагани-я, — афсусланди Хаким ака. — Ҳозир қишки эши чашини тақиллатишчи ҳам билмайсан, киши. Содиқ чўқур-чўқур нафас олар, оғриқ энди сал пайсаган бўлса-да, боши гир-гир айланар, хушини йўқтар даражага етган эди. «Ишқилиб, «Тез ёрдам» кел-гунча йиқилиб қолиб, Хаким акага ташвиш ортирма-сам бўлгани», уйлари у. Ҳудди шу аснода кўшиқ чироқларини лопиллатиб, «Тез ёрдам» этиб келди.

Машинадан оқ халати йигит ва ёш жувон тушди. Йигит чақонлик билан Содиқнинг қон босимини ўлчай бошларди. Жувон эса шприцларини ҳозирлади. «Хайрият-а, енгли тортиб йўладик Содиқ, энди нима бўлса бўлар». У ҳамширанинг кўзларида алла-қандай ҳадисираш, ҳайрат ва шу билан бирга чексиз меҳр-шафқат ёғилиб турганини кўриб, бирдан ҳамма оғриқлари йўқолгандек бўлди. Вужуди енглиланиб, сўнган тўлдудек қоронғу, тубсиз жарлик қариғи сингиб кетди...

Содиқ оппоқ бир бўшлиқ кўйини-да кўзларини очди. Очди-ю, оқ шўьлалардан кўзлари қамашиб, боши ана гир-гир айланди. Ҳаммаёқ де-ворлар, шифт, эшик-дараза, чойшаблар оппоқ. Кўллари-нинг бир неча жойига ниналар санчилган, ялтироқ найчалардан аллақандай ваҳимбах суғуқлик майда зўлдирчалардек югургилаб вужудига оқиб кирмоқда эди. Шундагина у касалхонада ётганини сездди. Қишкис Хаким акани, қон босимини ўлчайтган шифокор йигитни ва кўзлари меҳр-шафқатга тўла ҳамширани эслади, жилмайди, кўнглининг бурчак-бурчакларига ёришиб кетди.

Шу пайт хона эшиги охишта очилиб, остонада ёлгасига оқ халат ташлаб олган, атлас кўйлакли ёшгина, қўнли жувон пайдо бўлди. Унинг кўлида алаңда-дек барқ урган бир даста атиргул бор эди. Содиқ сесканиб кетди, кўзларини юмиб очди. У хонага таширғи буюрғувчини танёнмас, боши яна чарқалак бўлиб айланар, нафаси бўғизга тикиларди. «Ким бу?! Наҳот Нафиса бўлса? Йўқ, Нафиса келмайди, Нафиса келмас бўлиб кетган. Қўзлари... Кўзлари ўша ҳамширанинг кўзларига ўхшайдими? Йўе, у ҳамшира бу ерда нима қилади?»

Содиқ гўл кўтариб, жилмайиб турган жувонга яна-да қаттиқроқ тикилди. Боши айланиб, барибир уни таний олмади. — Ассалом, Содиқ ака! Яхши бўлиб кетдингизми? Товуш Содиққа ҳам таниш, ҳам бегона эди. Содиқ энди жувонга қарамади, унинг кўлидаги қийғос очилган гуллардан кўз узмай жавоб қилди: — Салом, қизил гулим! Ассалом, ёлғиз гулим!..

— Иби, баҳайр, мулло Абдусодиқ, сизга нима бўлди? — Ҳеч нима, шу, юрагим сал безовта қияляпти, «Тез ёрдам» чақирдим, — деди Содиқ оғриқ зуридан инграбди. — Хаким ака етимли ёшларга яқинлашиб қолган, хуш-табиат, ҳоҳатбарор киши эди. Чақон ҳаракат билан

Жўра ФОЗИЛ

Кўнғирот туманида маҳалла болалари ўртасида ўтказиладиган «Футболимиз келажаги» аънанавий республика кўбоги мусобақасининг туманлараро худудий босқичи бўлиб ўтди.

Футболимиз келажаги

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси бўлимлари томонидан ўтказилган баҳсларда Қонлиқул, Кўнғирот, Шуманай ва Мўйноқ туманлари маҳаллаларидан келган 11 ёшдан 14 ёшгача бўлган спортчилар иштирок этди. Мусобақада Шуманай туманининг «Мамий» жамоаси биринчи, Кўнғирот туманининг «Саноат» жамоаси иккинчи, Мўйноқ туманининг «Орол болалари» жамоаси учинчи ўрин-ни огаллади.

Ғолиб жамоалар мусобақанинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. (Ўза)

Тадбир

Бўш вақт йўқ

«Ўзметкомбинат» ОАЖ касаба уюшма кўмитаси ҳамда комбинат «Камолот» ЕЙҲ бошланғич ташкилоти ҳамкорлиғиде Металлурглар маданият саройида комбинат ёшлари иштирокида «Кувноқлар ва зукколар» кўрик-танлови ташкил этилди.

Танловни ўтказишдан максад ёшларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, уларга бўш вақтларини умумий, сермазун ташкил этишга кўмаклашишдир, — дейди комбинат касаба уюшма кўмитаси Ёшлар кенгаши раиси И.Қодиров. — Қола-

қарли чиқишлар томошабинларга манзур бўлди. Ҳақамлар хайъати ҳулосасига кўра 1-ўрин комбинат 1-навли прокат цехининг «Соққалар» жамоасига, 2-ўрин Халқ истеъмолий моллари цехининг «Замонавий кулоллар» жамоасига насиб этди. Ғолиб жамоалар комбинат раҳбариятининг қимматбахо эсдалик соғовалари ва дипломига эга бўлишди. Шунингдек, кўрик-танловда ўз истеъдодини намойнда этиб, энг фаол иштирок этган «Замонавий кулоллар» жамоаси аъзоси Ф.Раҳмонқулвога фахрий ёрлик топширилди. Гулбахор АБДУЛЛАЕВА

Publication details and contact information for 'Ishonch' newspaper, including phone numbers, addresses, and subscription rates.